

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҲАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ФАРҒОНА ШАҲРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

Вилоят ҳокими Ҳайрулло Бозоров Фарғона шаҳрида ижтимоий-иктисодий соҳада амалга оширилаётган ишлар, кичик саноат зоналаридағи инвестиция лойиҳаларининг ижроси, шунингдек, секторлар фаолияти самарадорлигини ўрганиш доирасида Кимёгарлар МФЙ ҳудудидаги “Саноатчилар” Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида бўлди.

“Саноатчилар” Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 38,5 миллиард сўм бўлган жами 11 та лойиҳа жойлаштирилган.

Ҳайрулло Бозоров гофра маҳсулотлари ва қадоқлаш қутилари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Гофра маҳсулотлари”, автомобиллар учун ҳаво фильтлари ишлаб чиқарувчи “Air Class” ҳамда сочиқлар ишлаб чиқарувчи “Нур диёр ёғду” корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди.

Вилоят ҳокими “Саноатчилар” Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасига газ, электр ва сув тармоқларини тортиш ва улаб бериш ишларини ўз муддатида ва сифатли якунлаш бўйича “Фарғона ҲЭТК”, “Худудгаз Фарғона” ва “Фарғона сув таъминоти” раҳбарларига қатъий вазифалар юклиди.

Шаҳарнинг “Сўлим” кўчасида қуриб битказилаётган хизмат кўрсатиш шахобчалари мажмуаси лойиҳаси билан танишган вилоят раҳбари, ушбу шахобчаларни тадбиркорларга 30 фоиз олдиндан тўлов билан имтиёзли кредит асосида тақдим этишини ташкил этиш бўйича Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғига вазифа белгилади. Хизмат кўрсатиш шахобчалари нархини тушириш бўйича мажмуани барпо этаётган тадбиркорлар билан смета ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича шаҳар ҳокимига кўрсатма берилди.

Ҳайрулло Бозоров Ал-Фарғоний МФЙ ҳудудида барпо этилиши режалаштирилаётган савдо комплекси ва логистика маркази лойиҳаси билан ҳам жойида танишди. Умумий қиймати 150 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳа доирасида устки қаватида кўнгилочар масканлар жойлашган 4 қаватли савдо маркази, 6 та 2 қаватли савдо павильони ҳамда 3 та омбор қурилиши режалаштирилган. Мажмуя 2024 йилга қуриб битказилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-20 20:30:22